



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

<http://www.ishonch-doverie.uz>

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 27-mart № 39 (3076) seshanba

Шарафли касб эгалари танлови

Шифокорлик дунёдаги энг инсонпарвар, ушбу соҳа вакилларида фидокорлик, мустаҳкам ирода, одамларга нисбатан меҳр-мурувват, эзгулик ва муҳаббатни талаб қиладиган масъулиятли касбдир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мамлакатимиз шовилинч тиббий ёрдам хизмати ходимларининг республика танлови якунлари айнан Наврўз кунларида сарҳисоб қилинган ҳам теран маънога эга. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тadbир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан соғлиқни сақлаш тизими муассасалари вакиллари иштирок этди.



Мамлакатимизнинг барча туманлари, энг чеҳра ҳудудларида ҳам аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул ва юқори малакали шовилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ушбу хизматнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ўтган йилнинг ноябр ойида Тошкентда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон тажрибасига баъшлаб ўтказилган халқаро симпозиумда дунёнинг кўплаб давлатларидан иштирок этган етакчи шифокор-олимлар, амалиётчи шифокорлар, халқаро ташкилотлар вакиллари мамлакатимизда ташкил этилган шовилинч тиббий ёрдам хизматининг ўзига хослигини эътироф этдилар. Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг ҳудудий филиаллари, «03» тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда санитария авиацияси ушбу хизмат таркибига киради. Шовилинч тиббий ёрдам хизмати ходимларини рағбатлантириш мақсадида ҳар йили республика танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов энг намунали тез

тиббий ёрдам станцияси, тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори ва тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали ҳайдовчиси номинациялари бўйича ўтказилмоқда. Бу йилги танлов якунларига кўра, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани тиббиёт бирлашмасининг Муродилла Жўраев раҳбарлик қиладиган шовилинч тиббий ёрдам бўлими энг яхши, деб топилди. Унга бош соврин — «Дамас» автоambulансининг қалити топширилди. Тошкент шаҳар шовилинч тиббий ёрдам станциясининг 11-кичик станцияси шифокори К.Аллубеков энг малакали шифокор, Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фаргона вилояти филиалининг марказий шовилинч тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси Ш.Исмоилов энг малакали ҳайдовчи, деб эътироф этилди. Танлов ғолиблари ҳамда совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди танлов ғолиби, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани тиббиёт бирлашмаси шовилинч тиббий ёрдам бўлими раҳбари М.Жўраев. — Зеро, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаати, халқ фаровонлиги мақсадини кўзда тутди. Биз, шовилинч тиббий ёрдам хизмати ходимлари, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар, станцияларимиз ҳолатини мунтазам яхшилашга қаратилган юқсак эътибор учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз. Бўлимимизга топширилган янги иختисослаштирилган автомобиль тиббий хизматга муҳтож жамоатларимизга янада тез, яхши ва сифатли шовилинч ёрдам кўрсатиш имконини берди. Айни дамда, инсонлар саломатлигини сақлашга қумаклаштириш учун биз барча куч-гайратимиз, билим ва тажрибамизни сафарбар этамиз.

Инсон саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш устувор вазифа ҳисобланган мамлакатда яшаш кишига гурур бағишлайди, — дейди танловнинг «Энг малакали шифокор» номинацияси бўйича иккинчи ўрин соҳибаси, Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиалининг шифокори Гулсара Ержонова. — Мазкур танлов шовилинч тиббий ёрдам тизимини рағбатлантиришга ҳисса қўшаётганлардан бири «New energy system» хусусий корхонаси раҳбари, изланувчан ёш тадқиқотчи Элмурод Абдуллаевдир. Фаргона политехника институтини тамомлаган бу йигит кўёш нури ва шамол кучи ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича устозлари ёрдамида изланишлар олиб бормоқда. Дарвоқе, унинг кўплаб мақолалари республика ва чет эл матбуотида босилиб чиқди. Бўлғуси олим бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш, фан янгиларини амалиётга татбиқ этиш учун вилоятимиз шаҳар ва туманларида тадқиқот ишлари олиб борапти. Кўёш энергияси ҳар томонлама фойдали, — дейди у. — Ишлаш принципи — кўёш энергияси туғридан-туғри электр энергиясига айлантирилади, аккумулятор батареясида тўплаб, кейин автоном истеъмолчи орқали электр ускуналари ва бошқа электр қурилмаларида фойдаланилади. Ускуналар асосан аҳоли уйлари, ташкилотларга мўлжалланган. Олтигача 11 Вт. люминисцент лампалари, оқ-қора тасвирли 16 см.ли телевизор ва бошқа вариантларида рангли 25 см.ли телевизор, радиоприйимник, магнитфон ва ультратовушли кир-увчи машиналарида, махсус кичик кучланишда ишлайдиган насос агрегатларида ҳам қўллаш мумкин. Фаргона, Марғилон шаҳарлари, Бешарик, Риштон, Фаргона туманларидаги кўплаб хонадон эгалари арзон ва афзал муқobil энергиядан фойдаланмоқдалар. Бундан уч йил олдин касалхонамизда табиати асраш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва иқтисодий тежамкорликка эришиш мақсадида кўёш нури ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариладиган 5 та қурилма биринчи ва иккинчи бўлимларга ҳамда ошхоналарга ўрнатилган эди. Бу қишли-қировли кунларда бизга жуда асқотмоқда. 25 та лампочка, 2 та телевизор, компютердан беминнат фойдаланяпмиз. Фойдаланиш қиш мавсумида 6-8 соат, ёзда 8-10 соатни ташкил этади, — дейди Ўзбекистон туманидаги ногирон аёллар «Мурувват» уйи директори Маъруфжон Отабоев. Олтириқ туманидаги 13-умумтаълим мактабига кремний фотоэлементи негизда ишлайдиган кўёш панеллар ёрдамида ёруғликдан электр токи оладиган қурилма ўрнатилиб, ишга туширилди. Қуввати 5 кВт/соатга тенг бўлган кўёш панеллари ва жиҳозлари 1 та синфда 11 та компютер жиҳозларини муқobil электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилади. — Экологик безарар бу қурилма бизларга жуда маъқул бўлди, — дейди мактаб директори Акбарали Хайдаров. — Эндиликда 970 нафар ўқувчи ўқийдиган мактабимизда информатика дарсларини ҳар қандай вазиятда ҳам компютер ускуналари ёрдамида ўтиш учун қулай шароит яратилди. Бу билан 20 та синфнинг мазкур дарслар бўйича ўзлаштиришлари янада яхшиланди. Ўтган йилда Европа Иттифоқи ва БМТ тараққиёт дастури «Аҳоли турмуш даражасини ошириш» лойиҳаси асосида Бешарик тумани «Ўттизанбар» маҳалласидаги 42-1, Қўштепа тумани «Гармон» маҳалласидаги 19-мактабга таълим муассасаларида, шуниингдек, Езёвон, Олтириқ, Ўзбекистон туманларидаги «Чўлиғулистон», «Жонибек», «Каттақайнар» маҳаллаларидаги қишлоқ врачлик пунктларини иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи «Кўёш батареяси» қурилмалари ишга туширилди. Кўёш энергиясидан фойдаланиш тизимлари яратилишининг афзалликлари исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлиб, электр ва бошқа энергия манбалари бўлмаган ҳудудларда халқ ҳўжалиги ҳамда аҳолининг энергия манбаларига бўлган талабларини қондириш айна муддаодир.

Муқobil энергия

Кўёш, шамол, сув ва бошқа манбалардан энергия олиш йўллариини такомиллаштириш ҳамда оптимал вариантларни ҳаётга татбиқ қилиш давр талабидир.

Экологик соф ва арзон

Жаҳон миқёсида муқobil энергиялардан фойдаланишга катта аҳамият берилляпти. Матбуот манбаларида ёзилишича, ҳар квадрат метрга ўртача 4кВт кўёш энергияси тушар экан. Бу кўрсаткич ёз фаслида тўрт ва ундан кўпроқ ортиши ҳам мумкин. Хисоб-китобларга кўра, бир квадрат метрни қамаб оладиган йиллик кўёш энергияси ишлаб чиқариш учун 200 кг. шартли ёқилғи, 136 м.куб. табиий газ, 186 кВт/с электр энергияси сарфланиши лозим. Бу кўёш энергияси қулай ва тежамкор эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Истиқболли соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшаётганлардан бири «New energy system» хусусий корхонаси раҳбари, изланувчан ёш тадқиқотчи Элмурод Абдуллаевдир. Фаргона политехника институтини тамомлаган бу йигит кўёш нури ва шамол кучи ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича устозлари ёрдамида изланишлар олиб бормоқда. Дарвоқе, унинг кўплаб мақолалари республика ва чет эл матбуотида босилиб чиқди. Бўлғуси олим бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш, фан янгиларини амалиётга татбиқ этиш учун вилоятимиз шаҳар ва туманларида тадқиқот ишлари олиб борапти. Кўёш энергияси ҳар томонлама фойдали, — дейди у. — Ишлаш принципи — кўёш энергияси туғридан-туғри электр энергиясига айлантирилади, аккумулятор батареясида тўплаб, кейин автоном истеъмолчи орқали электр ускуналари ва бошқа электр қурилмаларида фойдаланилади. Ускуналар асосан аҳоли уйлари, ташкилотларга мўлжалланган. Олтигача 11 Вт. люминисцент лампалари, оқ-қора тасвирли 16 см.ли телевизор ва бошқа вариантларида рангли 25 см.ли телевизор, радиоприйимник, магнитфон ва ультратовушли кир-увчи машиналарида, махсус кичик кучланишда ишлайдиган насос агрегатларида ҳам қўллаш мумкин. Фаргона, Марғилон шаҳарлари, Бешарик, Риштон, Фаргона туманларидаги кўплаб хонадон эгалари арзон ва афзал муқobil энергиядан фойдаланмоқдалар. Бундан уч йил олдин касалхонамизда табиати асраш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва иқтисодий тежамкорликка эришиш мақсадида кўёш нури ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариладиган 5 та қурилма биринчи ва иккинчи бўлимларга ҳамда ошхоналарга ўрнатилган эди. Бу қишли-қировли кунларда бизга жуда асқотмоқда. 25 та лампочка, 2 та телевизор, компютердан беминнат фойдаланяпмиз. Фойдаланиш қиш мавсумида 6-8 соат, ёзда 8-10 соатни ташкил этади, — дейди Ўзбекистон туманидаги ногирон аёллар «Мурувват» уйи директори Маъруфжон Отабоев. Олтириқ туманидаги 13-умумтаълим мактабига кремний фотоэлементи негизда ишлайдиган кўёш панеллар ёрдамида ёруғликдан электр токи оладиган қурилма ўрнатилиб, ишга туширилди. Қуввати 5 кВт/соатга тенг бўлган кўёш панеллари ва жиҳозлари 1 та синфда 11 та компютер жиҳозларини муқobil электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилади. — Экологик безарар бу қурилма бизларга жуда маъқул бўлди, — дейди мактаб директори Акбарали Хайдаров. — Эндиликда 970 нафар ўқувчи ўқийдиган мактабимизда информатика дарсларини ҳар қандай вазиятда ҳам компютер ускуналари ёрдамида ўтиш учун қулай шароит яратилди. Бу билан 20 та синфнинг мазкур дарслар бўйича ўзлаштиришлари янада яхшиланди. Ўтган йилда Европа Иттифоқи ва БМТ тараққиёт дастури «Аҳоли турмуш даражасини ошириш» лойиҳаси асосида Бешарик тумани «Ўттизанбар» маҳалласидаги 42-1, Қўштепа тумани «Гармон» маҳалласидаги 19-мактабга таълим муассасаларида, шуниингдек, Езёвон, Олтириқ, Ўзбекистон туманларидаги «Чўлиғулистон», «Жонибек», «Каттақайнар» маҳаллаларидаги қишлоқ врачлик пунктларини иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи «Кўёш батареяси» қурилмалари ишга туширилди. Кўёш энергиясидан фойдаланиш тизимлари яратилишининг афзалликлари исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлиб, электр ва бошқа энергия манбалари бўлмаган ҳудудларда халқ ҳўжалиги ҳамда аҳолининг энергия манбаларига бўлган талабларини қондириш айна муддаодир.

Тadbир

Наманган шаҳар энгил саннат коллежида битирувчиларни ишга жойлаштириш юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда шаҳар ҳокимлиги, «Водий ипаги» МЧЖ ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгашидан вакиллар иштирок этди.

100 нафар ёш ишли бўлади

Таъкидлаб ўтилдики, шаҳар ҳудудида 17 та касб-хўнар коллежи ва 4 та лицей мавжуд бўлиб, битирувчиларга 108 та лойиҳа бўйича кредитлар ажратилганлиги, бизнес-режа бўйича битирувчи талабаларга танловлар ўтказиш кўзда тутилганлиги кўзланган мақсадга эришишни янада осонлаштиради. — Шартномаларни имзолашда ишлаб чиқариш корхоналари масъулиятни кўпроқ ҳис этишлари лозим, — дейилди йиғилишда. — Бу борада касба уюшмалари ташаббусига кўп нарса боғлиқ. Ёшлар ишга жойлашгач, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясига асосий эътиборни жалб этишлари керак. «Водий ипаги» МЧЖ директори А.Мадрохимовнинг муассасада 100 нафар йигит-қизини иш билан таъминлаш имконияти мавжудлиги ҳақидаги сўзлари қизгин кутуб олинди. Йиғилиш якунида уч томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан бир фикрга келинди. **Д. РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири**

Конференция

Устоз-шогирд анъанаси

Бухорода Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, тармоқ ходимлари вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси, Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик-техника институти ҳамкорлигида «Устоз-шогирд анъанаси — улуг қадрият» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Равшан Бедилов, Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик-техника институти ректори Улуғбек Муҳамеджанов, институт кафедра мудири, доцент Фармон Аминов, Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи кафедра мудири Мамлакат Бозорова, вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси бошлиги Шавкат Жавлонов ва бошқалар сўзга чиқиб, битирувчи-

ларни иш билан таъминлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Айтиш жоизки, УзКУФК тавсиялари асосида вилоят касба уюшма ташкилотлари кенгаши томонидан қабул қилинадиган янги жамоа келишуви ва шартномаларига «Устоз-шогирд» тизимининг самарали ишлаганини таъминлашга қаратилган қатор тadbирлар киритилиб, амалиётга жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Вилоят кенгаши ва вилоят ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармаси ўртасида эса 2012-2014 йиллар учун мўлжалланган жамоа келишуви имзоланган. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда устозликка биркирилган ходимлар учун рағбатлантириш тизимининг жамоа шартномаларига киритилиши ҳамда шогирдлар билимини амалиёт билан мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам диққатга сазовордир. **(Давоми 2-бетда)**

Наврўз тухфалари

Диёримизда Наврўзи олам муносабати билан меҳр-мурувват тadbирлари кенг қулоч ёзди. Бу борада касба уюшмаларининг фаол иштирокини алоҳида тилга олиш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 27 феврал 6-11 «о» сонли қарори асосида барча касба уюшма ташкилотлари тadbирлар белгилаб, муайян ишларни амалга оширдилар.



Эзгуликка эш тadbирлар

Касба уюшмалари Марказий, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, ҳудудий бирлашмалар ва барча касба уюшма кўмиталари Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказишда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бордилар. Байрам муносабати билан ижтимоий муҳофазатга муҳтож бўлган 34166 нафар эҳтиёжманд, ёлғиз оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига касба уюшмалари маблағлари ҳисобидан жами 729,2 млн. сўмлик ёрдам берилди. «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйларига 30,1 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Жумладан, Республика Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, Оҳангарондаги «Саховат» уйи, Тошкент шаҳридаги 100-фалаж болалар уйида ўтказилган байрам тadbирларида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий, Тошкент вилоят кенгашлари, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари

касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари иштирок этиб, совғалар топширдилар. Бундай тadbирлар касба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Фаргона, Хоразм, Қашқадарё вилоят ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, Санатор-курортлар бошқармаси томонидан ҳам амалга оширилди. Шунингдек, байрам олдидан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарини уюшқоқлик билан ташкил этишда ка-

саба уюшмалари ташаббускорлик кўрсатиб, фаол иштирок этдилар. Ҳашар муносабати билан касба уюшма органларида меҳнат қиладиган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдориди маблағ, яъни 50 млн. сўм Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг республика бошқаруви ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлим, бўлимлари бошқарувларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди. **(Давоми 2-бетда)**

Касаначи санамлар кўриги 2-бет

Риэлторлик фаолиятидаги самарадорлик 3-бет

Ният эзгу, қалб мунаввардур 4-бет

Носиржон РАҲИМОВ

Олот туман тиббиёт бирлашмаси-маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Соҳа ходимлари ҳамда
Ўзбекистоннинг барча
халқини янгилаш ва
ашариш айёми –
Наврўз байрами билан
муборакбод этади.
Мустаҳкам оила йилида
юртимизда тинчлик-
фаровонлик янада зиёда
бўлиб, хонадонлардан фрайзу
барака аримасин!
Сихат-саломатлик, хуш
кайфият, омад халқимизни
асло тарк этмасин!*

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бешариқ туман кенгаши

*Барча тармоқ
ходимларини ҳамда
мамлакатимиз аҳлини
Наврўз байрами билан
муборакбод этади.
Ишингизга ривож,
оилавий бахт, соғлиқ-
саломатлик ҳаминча
хамроҳингиз бўлсин!*

«Навоийазот» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси

*Барча соҳа ходимлари
ҳамда юртдошларимизни
Наврўзи олам билан
муборакбод этади.
Хар бир хонадонга,
хар бир кўншига
хузурбахт байрам
тўқуви кириб бориин!
Ашариш ва янгилаш шоду
журралик нашидаси
дилларимизни тарк этмасин!*

Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшма қўмитаси

*Барча касбдошлар ҳамда юртдошларимизни
Наврўзи олам билан чин юракдан
муборакбод этади. Өсуда ҳаётимиз, фаровон
турмушимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!*

Қалбларимизда доимо баҳорингиз яшайлик, эзгулик уфруриб турсин.

Иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлган кўчмас мулк бозорини замон талаби асосида ривожлантириш муҳим масалалардан биридир. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинган, кўчмас мулк бозори фаолиятининг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланди. Мазкур ҳужжат тизим фаолияти ривожига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айни чоғда, кўчмас мулк бозорига аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, сотувчи ва харидорларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида барча шарт-шароит яратилди. Республикамиз аҳолиси ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган кўчмас мулклар ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқини расмийлаштириш хизматларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 2011 йил 23 июндан эътиборан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти ва унинг ҳудудий филиаллари фаолият юритмоқда.

Риэлторлик фаолиятидаги самарадорлик

Айтиш жоизки, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ давлат ҳамда нодавлат мулкларнинг аукцион, танлов ва оферта савдоларини фаол уюштираётган ташкилотлардан бири ҳисобланади. Бунга ўтган йил натижалари яққол далил бўла олади. МЧЖ ва ҳудудий филиаллар томонидан кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик, кўчмас мулк объеклари ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳамда одилона савдосини ташкил этиш, кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш, кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизматларини

кўрсатишга доир қатор ишлар амалга оширилди.

2011 йил якунлари бўйича аукцион савдолари орқали жами 1494 та мулк 49 380 946,31 минг сўмга сотилган бўлса, туғридан-туғри музокара билан ташкиллаштирилган савдоларда 1651 та объектнинг 60 532 884,49 минг сўмга сотуви амалга оширилди. Бундан ташқари, танлов савдолари орқали 938 та объект 3 408 855,81 минг сўмга сотилган. 1 277 258,87 минг сўмлик 921 та объект эса Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 147-сонли қарорига мувофиқ сотилган.

Бугунги кунда МЧЖнинг савдолари ҳақидаги реклама, эълон ва хабарномаларни республика ҳамда маҳаллий миқёсдаги ўндан ортиқ газеталарда кузатиш мумкин. Савдо на-

тижалари ҳар ҳафтада камидан иккита газетани чоп этилаётгани, мунтазам равишда кенг оммага етказилаётгани тадбиркор ва мулкдорларнинг етарли ахборот олиши учун янада қулайлик яратмоқда.

Сармоядорларга объект-

Солиқ хабари

Устама билан сотаётганди

Бухоро тумани Чорбақр қишлоғи ҳудудидаги «Турон-М» хусусий корхонасига қарашли АЕКШда АИ-80 бензиннинг литрини белгиланган 1605 сўм эмас, 2000 сўмдан сотилаётгани тўғрисида туман Давлат солиқ инспекцияси «Ишонч телефони»га мурожаат тушди. Мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам 2012 йил 12 январ куни кириб қилинган 4270 литр ёқилғи устама қўйимат билан сотилганлиги аниқланди. Бундан ташқари, АЕКШ ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банклари масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари талабини бузган. Яъни сотувдан тушган 6 млн. 523 минг 350 сўм назорат касса машинасига кириб қилинмаган. Ушбу ҳолат юзасидан тушган ҳужжатлар асосида СВОЖДЛҚК департаменти Бухоро туман бўлими томонидан жиноий иш қўзғатилди.

Б. СОБИРОВ,
Бухоро туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Қонун барчага баробар

Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти қонун асосида ҳимоя қилинмоқда. Бирок ҳуфёна иқтисодиёт билан шуғулланиш, ҳисобга олинмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш, солиқлардан қочиш, яширин фаолият юритиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент вилояти бошқармаси Пискент туман бўлими томонидан бу турдаги жиноятларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ноқонуний даромад бўюрмайди

Баъзида ана шу оддий ҳақиқат унутилади

Хусусан, бўлим ходимлари томонидан Хоразм вилоятида рўйхатдан ўтган «Ёғду» фирмаси раҳбари Ж.Отажоновнинг аризаси юзасидан олиб борилган текширишда қонунга зид фаолият фош этилди. Маълум бўлишича, «Неъматуллаев Исро» хусусий корхонасининг бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган У.Асатуллаев Хоразм вилоятидаги «Ёғду» фирмаси раҳбари Ж.Отажоновга ўзини «Неъматуллаев Исро» хусусий корхонаси раҳбари сифатида таништиради. Ж.Отажоновнинг ишончига кириб, «Ёғду» фирмаси билан макарон маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ускуна етказиб бериш бўйича шартнома тузади. Ушбу шартномада хусусий корхона раҳбари Н.Рустамов деб кўрсатилган бўлса-да, раҳбар ўрнига у ўз имзосини қўйиб тасдиқлайди. Шартномага асосан фирма 60 млн. сўмни хусусий корхона ҳисоб рақамига ўтказиб берган, У.Асатуллаев ушбу пулни шахсий қорамол сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. У.Асатуллаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли жазо чоралари белгиланди.

Пискент туманидаги «А.Дўстбеков» фермер хўжалиқлари уюшмаси ҳудудида жойлашган «Shodibek fazu» фермер хўжалиғи раҳбари Тугал Нуров ҳам қонунни четлаб ўтиб бойини кўзлаганлардан бўлиб чиқди. Унинг солиқларни тўламастик учун турли найранглари ишга солганлиги бўлим ва ДСИ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган текширишда аниқланди. Маълум бўлишича, фермер хўжалиғи раҳбари 2007-2010 йиллари ва 2011 йилнинг 9 ойи давомида 47 млн. 930,5 минг сўмлик солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Жиноят ишлари бўйича Пискент туман суди Тугал Нуровнинг қўлмишини атрофлича ўрганиб чиқиб, қонун доирасида Олий Мажлис Сенатининг амнистия қарорига асосан ажрим чиқарди.

Ўқтам МАМАТРАИМОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК Департаментининг Пискент туман бўлими бошлиғи

ЭЪЛОН
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳуқуқий маслаҳат ишонч телефони 256-71-78 бўлганлигини маълум қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин
Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Фарғона вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши жамоалари касаба уюшма фахрийси
Равашон ОМОНОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Қашқадарё вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши жамоалари Яқкабоб туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси
Файзулла МЕХЛИВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Навоий вилоят кенгаши жамоалари вилоят кенгашининг молия бўлими мудири Шакарбой Эшматовга падари бузруквори
ИБОДУЛЛА отанин вафоти муносабати билан ҳамлардик изҳор этади.

Ўзбекистон Амалий санъат музейида Наврўз байрамига бағишлаб «Риштон кулолчилик безакларида Наврўз жилоси» мавзуда кўргазма ташкил этилди. Риштон кулолчилигида кўклам жилоси

Кулолчилик — энг қадимги амалий санъат тури ҳисобланади. Сопол буюмлар минг йиллик тарихга эга бўлиб, ўз шакли, услуби ва аънавий ранг жиҳатларига эга. Хаворанг осмон, яшил бог-роғлар Риштон кулолчилигининг асосий рангларидир. Миллий аънавий идишларнинг хилма-хил кўринишлари кўзи олади: гулдонлар, лаганлар, шокоса, чоркулоқ, тоғора ва бошқалар шулар жумласидандир. Нақшлар асосан ўсимликсимон рамзий белгилар билан қўпланган: кумгон меҳмондўстлик, пичоқ эҳтиёт-корлик, чархпалак эса тўхтовсиз ҳаракат ва ҳаёт белгиси ҳисобланади. Кўргазмадан ўрин олган «саршўя» кўпчиликнинг эътиборини тортгани ҳам рост. У маросимларда қизларнинг бош ювиши учун ишлатиладиган идиш бўлиб, унда қўшлар тасвири акс эттирилган. Қадимдан халқ усталари лойдан жонзотлар кўринишидаги ўйинчоқлар ясаб, уни унча баян бўлмаган ҳароратда пишириб олишган. Ўйинчоқларнинг ёнида ёки дум қисмида ҳуштак бўлган. Ўзбек сопол ўйинчоқлари «чү пулак» деб аталиб, тана аъносининг уч қисмини кўрсатган ва ўсимлик ранглари билан бўялган. Музей хазинасидаги бадий буюмлар жаҳон аҳамиятига молик бўлиб, моддий маданий ёдгорликларимизнинг ривожланиш тарихидан ҳикоя қилади. Кўргазманинг асосий мақсади: музей захирасида сақланаётган ўзбек халқ амалий санъатининг нодир асарларидан намуналар намойиш этиш ҳамда халқимизнинг бой меросини мамлакатимиз фуқаролари ва чет эллик меҳмонларга намойиш этишдан иборатдир.

Озода БУРХОНОВА

Наврўз кечинмалари

Тонг ёришиб келарди... Аёл хамир қориб, тандирга ўт ёқди. Чўғ тафтида қўллари куя-куя нон пиширди. Қип-қизил чиройли ширмови патирлар саватга жойланди. Чақалоқ йиғлади. Келинчақ уйқули кўзларини ишқаб, бешик тебратди. Бола кўнмади. Келинчақ алла айтди. Унинг нозик товушини шамол оиласларга олиб ўчди. Гўдақ ухлади. Дераза ойнасини кимдир чертди. Иш тикиб ўтирган қиз чўчиб тушди. Туриб қараса, ҳеч ким йўқ. Дераза раҳида бир боғлам бойчечак ётарди. Қиз уни олиб юзларига босди, юзлари ёнди, ширин энтикди. Ироқи дўпписи ўзига ярашган бир қиз завқи ичига сиғмай хиргойи қила бошлади: Том устида қизгалдоқ, Кўйлаги ловиллайди, Қирга чиксам бойчечак Мени ол, деб имлайди, Ариқ бўйида ялпиз, Нафасида қўшиқ бор, Ҳар ёнда анвойи ис, Мунча сулувсан, баҳор.

Оқ рўмоли момо дарвозани очди. Дуолар ўқиб тонг фаришталарини чорлади, ҳовучларини юзига тортиб, Янги кунга яшилликлар тилади. Оила аҳли нонушта дастурхони атрофида жамулжам. Ака-ука, опа-сингиллар суҳбати қизийди. Улар бир-бирларининг бугунги режалари билан қизиқишади. Хонадон келини ўрнидан турганча дастлаб қайнота-қайнонасига, сўнг бошқаларга таъзим ила бирма-бир чой узатади...

Бу хил манзаралар кўзимизга таниш, Наврўзнинг ўзи каби юракка яқин. Минг-миг йиллар аввалги Наврўзларда ҳам ёшланлар кўкларнинг илк гулларидан тегиб, кексаларга ҳада қилганликлари ман-

баларда ёзилган. Кексалар эса гулгунчаларни кўзга суртиб, «омонлик-сомонлик» дея эзгу тилаклар билдиришган. Халқнинг дилдан тобора чуқурроқ жой олиб, қадр-қимматини йўқотмай келаётган Наврўзимиз ажойиб урф-одатлари билан янада ҳосиятли.

Шу кунни дошқозонларда сумалаклар қайнатилди, пишиб етилгандан сўнг идишларга сузилиб, аввало, дардманд беморлар ва камқувват кексаларга ула-

лардаги кўмакка муҳтож одамлар, боқувчисини йўқотган хонадонларга, айниқса, кўпроқ эътибор қаратилади. Ахир кўнгли ўқисик кимсага яхши сўз айтиб юпанч бермоқ қанчалар улуг сабо!

Эзгу одатларимиз замридаги ўзбекона қадриятлар — бағрикенглик, ўзаро ҳам-жихатлик, оила аҳиллиги, хуллас, инсонпарварлик хислатлари бу йилги Наврўзда ҳам буй кўрсатиб, ҳаммамизни хайрли юмушларга, атрофимиздагиларга эътиборли бўлишга ундамоқда.

Зеро, кишиларимиз қалбида фақат яхшилик, эзгулик туйғулари ҳукмрон. Яъни ҳурлик саодати, улуг кунлар шукронаси... Жаннатдек юртининг Наврўзларидан баҳраманд бўлиш сурури... Меҳр-муҳаббатнинг билан ўзгалар ҳаётига ёруғлик олиб кирмоқ завқи... Кимларгадир беминнат кўмаклашиш, гамҳўрлик қилиш истаги!

Инсон шу нарсаларга қодир экан, демак, у ҳаётини беҳуда ўтказмай, одамийлик бурчини адо этмоқда, ўзгаларнинг бахти йўлида заҳмат чекиб яшайпти! Бундай одамнинг ўзи ҳам чинакам бахтли. Бундай одамнинг ҳар кунни байрам, ҳар кунни Наврўздир!

Ҳазрат Навоий айтмишлар: Зулфи руҳсор ила қомимга мени еткурсанг, Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз! Қадамнинг қўтулғ келсин, барчага тинчлиги омонлик келтиргин, Наврўз! Токи сен аёл қалбидек гўзалсан, бола кўнглидек беғуборсан. Хайру саховат, меҳру муҳаббат, инсофу диёнат, бурчу садақат эшикларини янада кенгроқ очиб, эзгуликка ташна дилларни мунаввар айла! Ассалом, Янги кун!

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Дарёдан бир томчи

Санъат шундай бир маёқки, азал-азалдан инсоният инжа туйғуларининг инъикоси бўлиб келган. Ҳаёллар уммони, кўнгли тасвирларини ифода этиш иштиёқи кишини олдинга бошлайверади, бошлайверади. Ҳайратларнинг акс этиши, ўзгача бир мазмун дунёсига ташриф буюриш ижодкор камолотининг пиллапояларидир, аслида.

Кўргазма

Ёш, умидли фоторассом Назира Боймуродованинг 20 март кунини Ўзбекистон Бадий Академияси Тошкент фотосуратлар уйида очилган «Дарёдан бир томчи» фотокўргазмасида ҳам ушбу оммабоп санъатнинг бетакрор намуналарига гувоҳ бўлдик. Кўргазма экспозициясидан ўрин олган 100 га яқин бадий фото ишларида табиат гўзалликлари, болалик дунёси, аънава ва қадриятлар тараннуми акс этган. Кўргазма очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий

Академияси раиси Акмал Нуридинов, санъатшунос Нодир Норматов ва бошқалар ўзига хос истеъдод эгаси, тиниб-тинчимас ижодкор Н. Боймуродова ижодига муваффақият тилашди.

— Назира Боймуродова ижодини кўндан бўён кузатиб келаман. Унинг асарларида манзара ва портрет жанри етакчи ўринда туради. Мустақил ватан манзаралари, бахтиёр болалик, оналик қувончи, мўъжизакор табиат каби мавзулар муаллиф ишларининг асосини ташкил қилади.



«Бешик боласи — бек боласи», «Олтин қўллар», «Бекаликка таралду», «Бўстонлик мўъжизаси», «Хотира — муқаддас» каби бир қанча фотосаҳифалари шулар жумласидан, — деди таниқли фоторассом Султонбой Дехқонов. Кўрпа фототанловлар совриндори, тахририятимизнинг

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши мажлислар залида Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари ҳамда Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийлари иштирокида «Оммавий спортни ривожлантиришда касабаси уюшма ташкилотларининг кўмаклашуви борасида олиб борилаётган ишлар ва галдаги вазифалар» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ютуқлар бор, аммо...

Унда Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши томонидан 2011 йилда амалга оширилган ҳамда 2012 йил учун режалаштирилган ишлар юзасидан кенгаш раиси Баҳодир Бегимқулловнинг ахбороти тингланди. Жумладан, 180 нафар ёш спортчи соғломлаштириш оромгоҳлари юборилганлиги, шунингдек, пойтахтдаги 91-умумтаълим мактаби сув ҳавзасида 60 нафар фахрий сузиш бўйича мусобақалашгани таъкидлаб ўтилди. Ёш мавсумида «Оқтош» ва «Хондайлик» оромгоҳларида 192 нафар бола иштирокида ташкил этилган оромгоҳлар оспартакидалар барчада бирдек қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, юртимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган велоспорти янада оммалаштириш мақсадида «Вело-Тошкент — 2011» веломарафони ўтказилди.

Қўлга киритилган ютуқлар кишини хурсанд қилиши шубҳасиз. Лекин шу билан бирга, хато ва нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, тармоқ касабаси уюшма ташкилотлари ва шаҳар спорт жамияти ўртасида мусобақаларни ўтказишда ўзаро ҳамкорлик талаб даражасида эмас, услубий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишларда ҳам камчиликлар мавжуд. Шаҳар касабаси уюшма тармоқларида спорт жамоалари ўтган йилда 4 тага, спорт усталарини тайёрлаш 18,9 фоизга камайгани ҳам кишини ўйга толдиради. Спорт билан мунтазам шуғулланувчилар давлат муассасалари ходимлари орасида 6,1 фоиз, таълим, фан ва маданият ходимларида 7,1 фоиз, соғлиқни сақлаш ходимлари орасида эса 3,3 фоизни ташкил этади ҳоло.

Шунингдек, пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуасида жойлашган бокс мактаби капитал таъмирга муҳтож, болаларнинг шуғулланишлари учун етарли шароит яратилмаган. Касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Баҳодир Тожиев бу борада шундай деди: — Президентимиз раҳнамолигида болалар спортга берилган катта эътибор таҳсинга лойиқ. Биз ҳам бу хайрли ишларга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшимиз лозим. Иш бор жойда камчилик бўлиши бор гап. Лекин хатолардан тўғри хулоса чиқариш, уларни тузатиш ҳам керак. Шундагина ишнинг нуми бўлади, кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари фаоллари томонидан жорий йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан қарор қабул қилинди, янги вазифалар белгилаб олинди.

Яқунда касабаси уюшмалари тизимидаги спорт мактабларида фаолият олиб бораётган жонкуяр мураббийларга эсдалик совғалари топширилди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Ходимлар қувончи

Ёқилги-энергетика комплекси, кимё sanoати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгашининг 2012 йилдаги иш режасига биноян жойларда «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишланган мини футбол бўйича республика мусобақаларининг 1-, 2-босқичлари бўлиб ўтди.

Тасарруфдаги бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари футбол жамоалари Жарқўрғон туманидаги «Алпомиш» уйингоҳида мусобақалашдилар. Баҳсларда 50 нафардан ортиқ ишчи-ходимлари иштирок этиди.

Мурасим ва кескин кечган беллашувлар «Жарқўрғон нефтини қайта ишлаш» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси жамоаси галабаси билан якун топди, бу эса республика босқичи йўлнамасини қўлга киритиш имконини берди. Вилоят электр тармоқлари ОАЖ, «Жарқўрғоннефть» ОАЖ жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Иштирокчиларга Фахрий ёрлик, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири



Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'liq TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib)

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot 256-03-90 Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43 Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99894 226 28 84; Namangan + 99897 491 79 28; Samarqand + 99866 708 70 12; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99873 221 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: Ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: Sh. Norqulova Navbatchi: A. Arslonov Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullatov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Mualliflar fikr ta'biriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida O116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 21.20 Buyurtma G — 311 23549 nusxada bosildi 1 3 4 5

Agrosanoat majmuvi ходимлари касабаси уюшмаси Навоий вилоят кенгаши Ўлкамизга ташриф буюрмоқ Наврўзи олам билан барча юртдошларимизни самимий муборақбод этади. Мустақам оила йили янада барокотли ва серфайз кечсин. Эзгу тилаклар ижобат бўлиб, бахт-саодат доимо ҳамроҳингиз бўлсин! Инсонга наф келтириш, эл корига яраш ҳисси қалбимизга йўлдош бўлсин!